



Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2020 йил август ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик суд мажлиси, ўз биносида, раислик қилувчи судья А.Олтибоев, судья ёрдамчиси Ш.Суванкулованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ж.Авазхонов, судланувчи Рустамов Шухрат Баротович ва унинг ҳимоячиси Д.Мухамедова, ҳамда жабрланувчи Р.Набиева ва Ф.Ахадоваларнинг иштирокида, судланувчи Рустамов Шухрат Баротовичга нисбатан бўлган жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра,

1976 йил 11 июнь куни Самарқанд вилоятида туғилган, тожик, ўзбек тилини билади, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, судланмаган, ишсиз, Самарқанд тумани, “Х.А.Вали” МФЙда яшайди, иш бўйича унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2020 йил 13 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш мақсадида, 2019 йил август ойида Самарқанд шаҳри М.Улуғбек кўчаси 4-уй 15-хонада, шари никоҳда бўлган Ахмадова Фарида Собиржоновнанинг онаси жабрланувчи Набиева Раъно Имомназаровнани Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси ҳисобланган 98.532.000 сўмга тенг кўп миқдордаги 10500 АҚШ доллари эвазига Исроил давлатига ишлаш учун юборишни ваъда қилиб, уни алдов йўли билан ишончига кириб, дастлабки тўлов сифатида ундан Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси ҳисобланган 22.251.600 сўмга тенг 2400 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, қолган 8100 АҚШ долларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда эгаллай олмаган.

Бундан ташқари, ўзининг айбли ижтимоий хавфли қилмишини давом эттириб, такроран, 2019 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳар М.Улуғбек кўчасида, шари никоҳида бўлган жабрланувчи Ахмадова



Фарида Собиржоновнага тегишли бўлган, 2017 йилда ишлаб чиқарилган, “Спарк” русумли автомашинасини тўрт беш ойда янги автомашинага алмаштириб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, ундан 2017 йилда ишлаб чиқарилган, “Спарк” русумли автомашина олиб, ушбу автомашинани бошқа шахсга Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси ҳисобланган 46.978.150 сўмга тенг бўлган 5000 АҚШ долларига сотиб юбориб, жабрланувчига янги автомашина олиб бермасдан, қўлга киритган 5.000 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжига сарфлаган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, у фуқаро Ахмадова Фарида билан 2016 йил ёз фаслида Самарқанд шаҳар Хишрав қўрғонида жойлашган Улфатлар чойхонасида танишганлигини, Фарида билан шари никоҳдан ўтиб бирга яшаганлигини, 2019 йил август ойларида турмуш ўртоғи Фариданинг укаси Набиев Достон уйланиши керак бўлганлигини, унинг тўйини ўтказиш учун қайнонасини маблағи кам бўлгани сабабли, улар чет давлатга чиқиб ишлаб пул топишни мақсад қилганлигини, ўша вақтларда у қайнонаси Набиева Раънони Исроил давлатига ишлаб пул топиши учун жўнатишини ваъда қилганлигини, турмуш ўртоғи Фаридага бу ҳақида айтганида, у ҳам уни онаси Р.Набиева ҳам рози бўлишганлигини, шундан сўнг у қайнонасига Исроил давлатига бориш аслида 14.000 АҚШ доллари эканлигини, у кишини қайнонаси бўлганлиги сабабли, 10.500 АҚШ доллари эвазига жўнатишлигини билдирганлигини, шунда уларга бунча пул йўқлиги сабабли, биринчи тўлов сифатида 2.400 АҚШ доллари миқдоридаги пул топиб беришини сўраганлигини, шунда қайнонаси Р.Набиева бунга рози бўлганлигини ва 2019 йил август ойини охирида яшаш уйига уни чақириб у ерда унга Исроил давлатига юбориши учун деб 2.400 АҚШ долларини берганлигини, ушбу пулларни у турмуш ўртоғи Фаридани гувоҳлигида олганлигини, шундан сўнг у қайнонасини тўрт ой ичида Исроил давлатига жўнатиши кераклигини, у қайнонасини қонуний йўл билан уларни номига виза тўғрилаб бериб, Исроил давлатига жўнатмоқчи эканлигини, лекин қайнонасини ёши катта бўлганлиги сабабли, уларни Исроил давлатига жўната олмаганлигини, аслида бунақа ишлар уни ҳеч қандай қўлидан келмаганлигини, лекин унга ўша вақтларда пул керак бўлганлиги сабабли, улардан пул олиш мақсадида Исроил давлатига жўнатишга ҳаракат қиламан-деб айтганлигини, қайнонасидан 2.400 АҚШ доллари миқдорида пулларини олганлигини, ушбу олган 2.400 АҚШ долларини ўзини шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборганлигини, лекин кейинчалик уларни Исроил давлатига жўната олмаганидан сўнг улар ундан пулларини қайтариб беришини сўраганида, у жами 1.100 АҚШ долларини қайтариб берганлигини, қолган пулларни эса шароити бўлганида қайтариб бераман деб ваъда қилганлигини, бундан ташқари уни турмуш ўртоғи Ахмадова Фариданинг номига 2017 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами эсида қолмаган “Спарк” русумли автомашинаси борлигини, ушбу автомашинани 2019 йил сентябрь ойининг ўрталарида у унга янгисини сотиб олиб беришлигини ваъда қилиб, автомашинасини жами 5.000 АҚШ долларига автомашина олди-сотдиси билан шуғулланиб юрувчи Давлат



исмли шахсга сотиб юборганлигини, улар унга ушбу турмуш ўртоғи Фаридага тегишли бўлган Спарк русумли автомашинасини сотиб олиб, номига расмийлаштириб берганидан сўнг жами 5.000 АҚШ доллари миқдорида пулларни берганлигини, ушбу пулларни қайнонаси санаб олиб кейин уни ўзига қайтариб пулларни берганлигини, у ушбу автомашинани пулларини олиб, янги автомашина учун етмаганини ўзини ҳисобидан қўшиб, турмуш ўртоғи Фаридага янги Спарк русумли автомашина сотиб олиб беришга ваъда қилганлигини, ушбу ҳақда у маҳалла иштирокида тилхат ҳам ёзиб берганлигини, шундан сўнг у турмуш ўртоғига айтган вақтида янги спарк русумли автомашинани сотиб олиб беролмаганлигини, сабаби у ўша вақтда банкрот бўлиб, қўлида пули қолмаганлигини ва шунинг учун у турмуш ўртоғига тегишли бўлган Спарк русумли автомашинани пулларини яъни 5.000 АҚШ долларини ҳам ўзини шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборганлигини, шу сабабли у банкрот бўлганлиги учун турмуш ўртоғига янги автомашина олиб беролмасдан қолганлигини, қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини, у бугунги кунда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаш учун Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисобига 60.000.000 сўм қўйганлигини, ўша пулларни жабрланувчиларга берган тақдирда зарар тўлиқ қопланишлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, жабрланувчилардан кечирим сўрашини, унга нисбатан қонуний енгиллик бериш сўради.

Жабрланувчи Набиева Раъно Имомназаровна суд мажлисида, судланувчи Рустамов Шухратни қизи Ахмадова Фарида орқали таниганлигини, қизи Фарида Ш.Рустамов билан 2016 йил тахминан ёз фаслида Самарқанд шаҳар Хишрав кўрғонида жойлашган Улфатлар чойхонасида танишганлигини, Шухрат билан қизи танишган вақтида у ўзини автомашиналарни жиҳозларини сотиш билан шуғулланишини, яъни ўзини тадбиркор бўлиб ишлашлигини айтганлигини, уни яқиндан танимаганлигини, уни яқин қариндошлари билан ҳеч кўришмаганлигини, қизи Фарида Рустамов Шухратни яхши кўргани ва унга ишонгани сабабли шари никоҳдан ўтиб яшашга рози бўлганлигини, у турмуш ўртоғи вафотидан сўнг рўзғор қилиш мақсадида бир неча мартаба чет давлатга чиқиб ишлаб келганлигини, 2019 август ойида ўғли Набиев Достонни уйлантириш учун пул топиш мақсадида бирор чет давлатга ишлашга боришга мақсад қилиб юрганлигини, ўша вақтда яъни 2019 йил август ойида куёви Шухрат қизи Фаридага Исроил давлатига бирор киши борми, агар бўлганида зўр имконият бор, жўнатар эдим-деб қизиқтирганлигини, қизи эса Шухратга уни ишлаб пул топиш мақсадида чет давлатга боришга рози бўлишини билдирган ва унга бу ҳақида айтганлигини, Шухрат билан уни олдига келганида Шухрат уни Исроил давлатига ишлаши учун бир ой ичида биринчи паток билан жўнатишлигини ва ушбу учун дарҳол 2.400 АҚШ доллар миқдоридаги пул топиши кераклигини айтганлиги, аслида Исроил давлатига бориш 14.000 АҚШ доллари эканлигини, лекин Шухрат уни 10.500 АҚШ доллар миқдорида жўнатишлигини, ҳозир эса бошланғич тўлов сифатида 2.400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни топиб беришлигини, қолган пулларни эса



Ўзини ҳовлисини сотиб қўшишлигини билдирганлигини, кейин у Исроил давлатига борганидан сўнг ишлаган ойлигини ярмини Шухратга бериб қарзидан қутулишини билдирганлигини, бунга эса ҳам у рози бўлганлигини айтганлиги, шундан сўнг ўзи йиғиб қўйган пулларини ва унга етмаганини танишларидан қарз олиб жами 2.400 АҚШ доллари қилиб Шухратнинг қўлига қизи Фариданинг гувоҳлигида яшаш уйига 2019 йил август ойини охирида берганлигини, ушбу пулларни Шухрат олганидан сўнг уни бир ой ичида Исроил давлатига жўнатиши лозимлигини айтганлиги, лекин ҳозирга қадар ҳар доим эрта-индин, кейин деб ҳар хил баҳоналар билан алдаб келганлигини, олган пулларини ҳам қайтариб бермаганлигини, бундан ташқари Ш.Рустамов қизи Фаридага тегишли бўлган “Спарк” русумли 2017 йилда ишлаб чиқарилган автомашинани унга янги автомашинага алмаштириб беришини ваъда қилиб, қизига тегишли бўлган машинани 2019 йил сентябрь ойининг ўрталарида жами 5.000 АҚШ долларига ўзини автомашина олди-сотдиси билан шуғулланувчи танишларига сотганлигини, уни ваъдаси бўйича қизига тўрт ойни ичида янги спарк автомашина олиб бериши кераклигини, лекин ҳозирга қадар на эски машина ва на янги машина олиб берганлигини, уни сотиб ўзининг эҳтиёжи учун пулларини ишлатиб юборганлигини, автомашинани сотиб олган шахсни танимаганлигини, у киши автомашинани сотиб олганидан сўнг номига расмийлаштириб берганидан кейин жами 5.000 АҚШ долларини берганлигини, ушбу пулларни у санаб олганидан сўнг, пулларни барчасини Шухрат қайтариб ундан олганлиги ва ушбу пулларга ўзини ёнидан етмаганига қўшиб, қизига янги автомашинани тўрт ой ичида олиб беришини ваъда қилиб ўша куни маҳаллани иштирокида тилхат ҳам ёзиб берганлигини, ҳозирда қизи Ф.Ахмадованинг собиқ турмуш ўртоғи Рустамов Шухрат уни Исроил давлатига жўнатишлигини ваъда қилиб олган жами 2.400 АҚШ долларидан 1.100 АҚШ долларини ариза ёзган вақтида қайтариб берганлигини, ҳозирги кунда ўзининг ва қизининг зарарлари судланувчи Ш.Рустамов томонидан топширилган 60.000.000 сўмни депозитдан олгандан сўнг тўлиқ қоплаб берилган деб ҳисоблашлигини, шу сабабли Ш.Рустамовга нисбатан умуман даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ахмадова Фарида Собиржоновна суд мажлисида, у судланувчи Рустамов Шухрат билан 2016 йил тахминан ёз фаслида Самарқанд шаҳар Хишрав кўрғонида жойлашган Улфатлар чойхонасида танишганлигини, Шухрат унга ҳар доим катта тўй қилиб қонуний никоҳдан ўтишларини айтиб ваъда қилиб келганлигини, аммо улар ҳалигача қонуний никоҳсиз яшаганини, Шухрат билан танишган вақтида у унга ўзини автомашиналарни жиҳозларини сотиш билан шуғулланишни, яъни ўзини тадбиркор бўлиб ишлашлигини айтганлигини, лекин у уни ҳалигача ҳам аниқ бир ишини билмаганлигини, уни яқиндан танимаганлигини, уни яқин қариндошлари билан ҳеч кўришмаганлигини, уни яхши кўргани ва унга ишонгани сабабли шари никоҳдан ўтиб яшашга рози бўлганлигини, Набиева Раъно уни онаси бўлганлигини, улар рўзғор қилиш мақсадида бир неча марта давлатга чиқиб ишлаб келганини, уни 2019 август ойида укаси Набиев



Достонни уйлантириш учун онаси пул топиш мақсадида бирор чет давлатга ишлашга бориш учун рози бўлганлигини, ўша вақтда яъни 2019 йил август ойида турмуш ўртоғи Шухрат унга Исроил давлатига бирор киши борми, агар бўлганда зўр имконият борлигини, у эса Шухратга онасини ишлаб пул топиш мақсадида чет давлатга боришга рози бўлишини билдирганлигини ва онасига бу ҳақида айтганлигини, Шухрат билан онасини олдида борганида Шухрат онасини Исроил давлатига ишлаши учун бир ой ичида биринчи паток билан жўнатишлигини ва ушбу учун дарҳол 2.400 АҚШ доллари миқдоридаги пул топиш кераклигини айтганлиги, аслида Исроил давлатига бориш 14.000 АҚШ доллари эканлигини, лекин Шухрат онасини 10.500 АҚШ доллар миқдорида жўнатишлигини, ҳозир эса бошланғич тўлов сифатида 2.400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни топиб беришлигини, қолган пулларни эса ўзини ҳовлисини сотиб қўшишлигини билдирганлигини, кейин онаси Исроил давлатига борганидан сўнг ишлаган ойлигини ярмини Шухратга бериб қарзидан қутулишини билдирганлигини, бунга эса у ҳам онаси ҳам рози бўлганлигини, шундан сўнг онаси ўзи йиғиб қўйган пулларини ва унга етмаганини танишларидан қарз олиб жами 2.400 АҚШ доллари қилиб Шухратнинг қўлига уни гувоҳлигида онасини яшаш уйига 2019 йил август ойини охирида берганлигини, ушбу пулларни Шухрат олганидан сўнг онаси Р.Набиевани бир ой ичида Исроил давлатига жўнатиши лозимлигини, лекин ҳозирга қадар ҳар доим эрта-индин, кейин деб ҳар-хил баҳоналар билан алдаб келганлигини, олган пулларини ҳам қайтариб бермаганлигини, пулларни ҳар доим бераман-деб алдаб келганлигини, бундан ташқари судланувчи Ш.Рустамов уни ўзига тегишли бўлган “Спарк” русумли 2017 йилда ишлаб чиқарилган автомашинасини унга янги автомашинага алмаштириб беришини ваъда қилиб, унга тегишли бўлган машинани 2019 йил сентябрь ойининг ўрталарида жами 5.000 АҚШ долларига сотганлигини, уни ваъдаси бўйича унга тўрт ойни ичида янги “Спарк” автомашина олиб беришини айтганлигини, лекин ҳозирга қадар уни на эски машинаси ва на янги машинаси борлигини, уни сотиб ўзининг эҳтиёжи учун пулларини ишлатиб юборганлигини, автомашинани сотиб олган шахсни танимаганлигини, у киши автомашинасини сотиб олганидан сўнг номига расмийлаштириб берганидан кейин жами 5.000 АҚШ долларини берганлигини, ушбу пулларни онаси Набиева Раъно санаб олганидан сўнг, пулларни барчасини Шухрат қайтариб онасидан олганлигини ва ушбу пулларга ўзини ёнидан етмаганига қўшиб, унга янги автомашинани тўрт ой ичида олиб беришини ваъда қилиб ўша куни маҳаллани иштирокида унга тилхат ҳам ёзиб берганлигини, ҳозирда собиқ турмуш ўртоғи Рустамов Шухрат онаси Набиева Раънони Исроил давлатига жўнатишлигини ваъда қилиб жами 2.400 АҚШ доллари ва унинг “Спарк” русумли автомашинасини 5000 АҚШ долларига сотиб ўзининг эҳтиёжига ишлатиб, уни алдаганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Ш.Рустамов онасининг 2400 АҚШ долларидан 1100 АҚШ долларини қайтарганлигини қолган пулларини ва менинг пулларимни 60.000.000 сўмга ҳисоблаб, ИИБ депозитига ўтказганлигини, шунинг учун унга ҳозирги кунда судланувчи Ш. Рустамов томонидан ИИБ



депозитида сақланаётган 60.000.000 сўмни ўтказиб берса, судланувчига бирон-бир даъвоси қолмаслигини, у судланувчини кечиришлигини, унга қонуний ёрдам беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби, жабрланувчиларнинг аризалари, тинтув баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, [REDACTED] содир қилган айбли ижтимоий хавфли қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки у такроран, ўзгаларнинг мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, кўп миқдорда фирибгарлик жинояти содир қилинишига суиқасд қилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ушбу жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир қилганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарори 4-банди яъни “иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим”-деган ва 28-бандида яъни “ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин”-деган,

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида яъни “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва ирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деган ва Ўзбекистон



Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 18-бандида кўрсатилган яъни “Ахлоқ тузатиш ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда олти ойдан уч йилгача (вояга етмаганларга нисбатан бир ойдан бир йилгача) бўлган муддатга тайинланади” деган ва 20-бандида кўрсатилган “Ахлоқ тузатиш ишлари, одатда, иш жойида ўташ шарти билан тайинланиши лозим. Шу билан бирга, шахс ўз касб ёки хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этиб, унинг олдинги иш жойида қолдирилиши жазонинг тарбиявий аҳамияти пасайишига олиб келиши мумкин бўлса, ахлоқ тузатиш ишларини ушбу жазо ижросини амалга оширувчи орган томонидан белгиланган жойда ўташ тайинланиши мумкин, ахлоқ тузатиш ишлари муддатлари ҳамда айбдорнинг иш ҳақидан чегирма миқдори ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун судлар судланувчининг моддий аҳволини аниқлашлари лозим”-деган раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда, унинг шахсини, жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларнинг даъволари йўқлигини инobatга олиб у томонидан содир этилган жиноятнинг айб шакли ва даражасини, жиноят содир қилиш шароити ва сабабларини, жиноят содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атворини, унинг жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини инobatга олган ҳолда, у айбланган модда санкцияларида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаб, тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

_____ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

_____ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи _____ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20



фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўталсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО Пробация бўлими бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Ш.Рустамовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун судланувчи ██████████ томонидан Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 60.000.000 (олтмиш миллион) сўм жабрланувчи Ф.Ахмадованинг фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497², 497⁴-моддаларига асосан, ҳукм устидан ҳукм эълон қилингандан сўнг 10 сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига шаҳар суди орқали апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест билдириши мумкинлиги ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасига асосан ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест келтирилмаган тақдирда, кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья;

А.М.Олтибоев

